

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ – ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУИНИНГ ИҚТИСОДИЙ – ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

*Л. Эрдонов, ғ.ф.н. Қарши давлат университети*

*М. Азизова, География йўналиши магистранти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёқилғи – энергетика мажмуаси иқтисодиётнинг етакчи тармоғи эканлиги ҳамда бу соҳанинг Қашқадарё вилоятида ривожланиш хусусиятлари баён қилинган. Шунингдек, вилоят ёқилғи ресурсларига бойлиги билан мамлакатда алоҳида ўринга эгаллиги, унинг мажмуа ҳосил қилишда иқтисодий – географик жиҳатлари ўрганилган. Вилоят ёқилғи ва электр – энергетика саноатида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ёқилғи, электр, энергетика, мажмуа, ресурс, иқтисодиёт, иқтисодий район, саноат, транспорт, газ, нефт, иссиқлик электр станция, хом ашё, кон.

## ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТОПЛИВНО- ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация.** В данной статье описывается тот факт, что топливно-энергетический комплекс является ведущей отраслью экономики, а также особенности развития данной отрасли в Кашкадарьинской области. Также изучено особое место региона в стране благодаря его богатству топливными ресурсами, его экономико-географические аспекты в формировании комплекса. На основе статистических данных проанализированы производственные показатели региональной топливно-электрической отрасли.

**Ключевые слова:** топливо, электроэнергия, энергетика, комплекс, ресурс, экономика, экономический район, промышленность, транспорт, газ, нефть, ТЭЦ, сырье, добыча.

## **ECONOMIC AND GEOGRAPHICAL ASPECTS OF THE FUEL AND ENERGY COMPLEX OF KASHKADARYA REGION**

**Abstract.** This article describes the fact that the fuel and energy complex is a leading sector of the economy, as well as the specifics of the development of this industry in Kashkadarya region. Also, the special place of the region in the country due to its richness in fuel resources, its economic and geographical aspects in the formation of the complex were studied. Production figures in the fuel and electricity industry of the region are analyzed on the basis of statistical data.

**Keywords:** fuel, electricity, energy, complex, resource, economy, economic region, industry, transport, gas, oil, thermal power plant, raw materials, mining.


Ёқилғи-энергетика мажмуи иқтисодиётнинг базавий тармоғи, хўжалик тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Бу мажмуа ёқилғи ва электр энергетика саноатининг ўзаро бир-бири билан боғланган тармоқлари йиғиндисидан иборат. Ёқилғи-энергетика мажмуи оғир саноат таркибига киради. Турли ёқилғи ва энергия турларини қазиб олиш ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи саноат тармоқлари мажмуи ёқилғи-энергетика мажмуи деб аталади. Бу мажмуа асосан 2 гуруҳга бўлинади: 1) Ёқилғи саноати; 2) Электр энергетика саноати.

Муайян вақт давомида маълум бир ҳудудда (мамлакат, иқтисодий район, вилоят ва ҳ.к.) ёқилғи ва энергиянинг турли хилларини қазиб олиш, хом ашёсини қайта ишлаш ва истеъмол қилиш умумий ҳажмини ва таркибини ифодалайдиган барча кўрсаткичлар ёқилғи-энергетика баланси деб аталади. Ёқилғи-энергетика мажмуи иқтисодиётнинг барча тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт) ва аҳолининг кундалик

хаёти учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурсларига бой бўлиб, айниқса, газ ва нефтнинг улкан захиралари мавжуд. Республика саноати тармоқлари таркибида ёқилғи – энергетика мажмуи 14.6 %ни (ёқилғи – 8.4; электр энергетика – 6.2 %) ташкил этади.

Ёқилғи саноати ёқилғи хом ашёсини қазиб олиш ва уни истеъмолчига етказиб бериш тармоқларини ўз ичига олади. Умумий ҳолда бу саноат кўмир, нефт, газ, торф, ёнувчи сланец, уран рудаси қазиб олиш ҳамда ёғоч тайёрлашдан иборат. Республикада нефт – газ конлари мавжуд 5 та минтақа ажратилган бўлиб, Устюрт, Бухоро – Хива, Жануби – ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона минтақаларидир. Бу минтақалардаги мавжуд конлардан саноат аҳамиятига эга ёқилғи қазиб олинади (1-расм). Мамлакат ёқилғи саноатида дастлабки нефт кони 1904 йилда очилган Фарғона водийсидаги Чимён нефт кони бўлиб, конда 278 м чуқурликдан суткасига 130 т нефт олинган. Ҳозирги пайтда нефт захиралари бўйича Қашқадарё вилояти етакчилик қилади. Вилоятда энг йирик кон Кўкдумалоқ нефт конидир. Шунингдек, вилоятда нефт конлари: Қўшқудуқ, Фармистон; нефт ва табиий газ конлари: Жанубий қизилбайроқ, Шарқий ва Ғарбий тошли, Шўртепа, Карим, Умид, Ўртабулоқ, Чегара; табиий газ конлари: Жанубий тандирча, Шўртан, Шимолий Ғузор, Увада, Шимолий Нишон, Қамаша, Гирсон, Кўлтақ, Қорақум, Чембор, Жанубий Муборак, Олон, Пирназар каби конлар нафақат вилоят, балки, мамлакат ёқилғи саноатида муҳим аҳамият касб этади.

**1 – расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган айрим ёқилғи маҳсулотлари кўрсаткичи**



*Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шиланди.*

Газ саноати – ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғидир. Табиий газ саноати республикамизда нефт саноатидан бироз кейинроқ, лекин аксарият ҳолларда нефт ва газни биргаликда қазиб олиш билан боғлиқ бўлган. Ушбу саноат тармоғининг кенг кўламда ривожланиши 1950-1960 йилларда Бухоро вилоятида жуда катта захирага эга бўлган Газли конини ишга туширилиши билан бошланган. Ҳозирги вақтда мамлакатда бир йилда 55-56 млрд. куб м. атрофида газ қазиб олинади. 2020 йилда республикада жами 61,6 млрд. м. куб табиий газ қазиб олинган, шунинг 54,7 %и; нефт, табиий газ конденсатини қўшган ҳолда жами 2890,9 минг т қазиб олинган бўлса, шунинг 68,5 %и Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал).

**1 – жадвал. Қашқадарё вилояти ёқилғи саноатида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2006 йил</b>	<b>2009 йил</b>	<b>2012 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2018 йил</b>	<b>2019 йил</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>
Табиий газ	млрд. м <sup>3</sup>	60	54.2	51.6	38,6	36,2	33,7	32,4	24	14.4
Нефт	млн. тн.	3.2	2.1	1.2	0,67	0,62	0,56	0,53	0.31	0.26
Газ конденсати	млн. тн.	2	2	1.4	1,44	1,42	1,45	1,4	0.3	1.5
Олтингугурт	млн. тн.	0.2	2.6	3.1	0,24	0,3	0,25	0,3	0.1	0.1

*Манба: Қашқадарё вилояти Статистика қўмитаси маълумотлари асосида шиланди.*

Энергетика саноати ҳар қандай мамлакат ёки районнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқаришининг асосини ташкил қилади. Энергетика саноати хўжаликнинг асосий бўғинларидан бўлиб, у саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. У иқтисодий районларнинг

ихтисослашувини кўп жиҳатдан аниқлаб беради. Энергетика саноати ёқилғи хом ашёсини қазиб олиш ва истеъмол қилиш, электр энергия ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш тармоқларининг ўзаро ва бир-бири билан боғланган йиғиндисидир. Мамлакат ёки ҳудуд қанча кўп энергия ишлаб чиқарса ва истеъмол қилса, у шунча кўп маҳсулот ишлаб чиқаради ва иқтисодий ривожланиш даражаси шунча юқори бўлади. Энергетика саноатининг хом ашёси бўлиб, ёқилғи (нефт газ, кўмир, торф, ёнувчи сланец, ёғоч, уран) ва гидроресурслар (дарё ва денгиз оқими, қалқиш энергиялари) ҳисобланади. Ҳозирги пайтда энергияни ноанъанавий усуллар билан олишнинг ривожланиши туфайли қуёш энергияси, шамол кучи, ернинг ички иссиқлиги ҳам энергетика хом ашёси сифатида қаралмоқда. Истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда қатнашадиган ва бир-бири билан электр линиялари ва турлари билан боғланган йирик электр станциялар бирлашмаси энергия тизими деб аталади. Энергия тизимлари қуйидаги турларга бўлинади: локал (шаҳар, район), зонал (районлараро), миллий (бутун мамлакат) ва халқаро (масалан, Ўрта Осиё) энергия тизимлари. Ушбу тармоқнинг асосий хусусияти шундан иборатки, электр энергия ишлаб чиқариш уни истеъмол қилиш билан бир вақтга тўғри келади, яъни, электр энергияни ёқилғи турлари каби сақлаб, тўплаб бўлмаганлиги учун уни синхрон равишда истеъмол қилинишини талаб қилади.

Мамлакат электр станциялари таркибида ИЭС етакчилик қилади ва улар жами электр станциялар ишлаб чиққан электр энергиянинг 85-87 фоизини ташкил қилади. Сув электр станцияларига (СЭС) эса 13-15 % тўғри келади. Электр станциялар қувватида ҳам нисбат тахминан шундай: умумий қувватнинг 86,3 %и ИЭС зиммасига тушади. Қашқадарё вилояти республика электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги улуши 30 % гача бўлган вилоятлар қаторига киради. Вилоятда қуввати 1700 МВт бўлган Таллимаржон ГРЭС ва қуввати 60 МВт бўлган Муборак ИЭМ (Иссиқлик электр маркази)да электр энергия ишлаб чиқарилади.

Таллимаржон ГРЭС - йирик иссиқлик электр станцияларидан бўлиб, вилоятнинг Нишон туманидаги Нуристон шаҳарчасида, Таллимаржон сув омборидан 7 км узоқликда жойлашган. Станция қурилиши 1988 йил январда бошланган. Лойиҳа қуввати 3200 МВт (800 МВт ли 4 энергоблокли). Асосий ёқилғи тури – таркибида олтингугурт кам бўлган Шўртан газ конидан олинадиган табиий газ. Электр станция вилоятдаги газ конлари, сув хўжалиги объектлари ва бошқа истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлайди. Корхона маъмурияти томонидан берилган маълумотларга кўра, ҳозирда «Таллимаржон иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятида учта энергоблок ишлаб турибди ва станцияда ўрнатилган қувват 1700 МВт/соатни ташкил этади. 1-сонли 800 МВт қувватли энергоблок 2004 йилнинг ноябрида ишга туширилган. Ҳар бирининг қуввати 450 МВтга эга бўлган 2- ва 3-сонли буғ-газ қурилмалари 2017 йил февралидан бошлаб тўлиқ қувватда электр энергияси ишлаб чиқаришни бошлаган. 2- ва 3-буғ-газ қурилмалари Жанубий Кореянинг «Hyundai Engineering and Construction» ва «Daewoo International Corporation» компаниялари консорсиуми томонидан қуриб фойдаланишга топширилган. Ушбу энергоблокларнинг ишга туширилиши билан станциянинг электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати 7,2 млрд кВт/соатга ошди. Шу тариқа ҳар йили истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергия қарийб 11,4 млрд кВт/соатни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сонли қарорига асосан Энергетика вазирлиги тизимидаги “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Жумладан, Таллимаржон ИЭСда умумий қуввати 900 МВтдан кам бўлмаган иккита буғ-газ қурилмаси 2024 йилда қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Аҳамиятлиси,

қурилмаларнинг фойдали иш коэффициентлари юқорилиги ҳисобига йилига бир неча млрд куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Қашқадарё вилоятида газ ва нефтни қайта ишлаш саноатининг гигант заводи — “Uzbekistan GTL” нафақат вилоят, балки, мамлакат газ ва газ-кимё мажмуаси ривожланишида улкан аҳамият касб этади. Мазкур завод жаҳон энергетика тармоғидаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “Шўртан газ-кимё комплексининг тозаланган метан негизида суяқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорига кўра бошланган. Завод ишга тушгач, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур барча ёқилғи турлари - авиакеросин, дизель ёнилғиси, нафта ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади.

Саноат мажмуаси дунёдаги GTL лойиҳалари ичида энг йириги бўлиб, бундай заводлар географияси жаҳонда кўп эмас. Қатарда GTL технологияси асосида фаолият кўрсатувчи заводда бир йилда 1,2 млн т суяқ синтетик ёнилғи ишлаб чиқарилади. Нигериядаги GTL заводи 1,3 млн т шундай ёнилғи ишлаб чиқариш қувватига эга. “Uzbekistan GTL” ишга тушгач, бу кўрсаткич 1,5 млн т бўлади. Заводда юқори сифатли нефт маҳсулотлари- 724,6 минг т дизель ёнилғиси, 437,3 минг т нафта, 307,3 минг т авиакеросин, 53,4 минг т суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Бу эса йилига нефт хом ашёси импорти учун сарфланаётган 1 млрд долларгача валютани иқтисод қилади. Мегалойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати унинг жаҳон бозорида энг арзон ҳисобланган метан газини қимматбаҳо нефт маҳсулотига айлантириш имкониятидир. Завод 3 та лицензиар - Жанубий Африка Республикасининг “Sasol”, Даниянинг “Haldor Topsoe” ва АҚШнинг “Chevron” компаниялари технологияси асосида қурилган бўлиб, 24 та давлатдаги 129 та корхонада ишлаб чиқариладиган энг замонавий технологик ускуналардан фойданилган. Бу йирик мажмуа Ўзбекистон иқтисодиётидаги бошқа секторларнинг ривожланишига ва янгилари очилишига туртки беради. Бу эса иқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар ва интернет саҳифалари:**

1. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Тошкент, 2013.
2. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. Дарслик. –Тошкент, 2014.
3. Soliyev A.S., Komilova N.K., Yanchuk S.L., Jumaxanov Sh.Z., Rajabov F.T. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya. Darslik. – Toshkent, 2019.
4. Қашқадарё вилояти географияси. Қарши.; 1994.
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. [www.qashstat.uz](http://www.qashstat.uz)